Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz ● www.adolat.uz ● № 49 (854) ● 2011 йил, 25 ноябрь, жума

# Илм, ижод ва кашфиётлар маскани

Муносабат

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Пойтахтимизда қад ростлаган "Маърифат маркази"да етти миллионга яқин китоб фондига эга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси эшиклари ҳамма учун очилди. Янги кутубхонада оддий китобхон учун яратилган шарт-шароитга эса ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Тасаввур қилинг, яхшиси, келиб, ўз кўзингиз билан кўринг: китоблар музейи, ўқув заллари, китоблар дўкони, киномарказ, интернет ва медиамарказ, болалар хонаси, дам олиш хоналари... Бутун дунё супермаркетларида харидорларни жалб қилиш учунгина болалар хоналари очилаётган бир шароитда юртимизда зиё маскани бўлган кутубхонада бундай хоналар ташкил этилгани таҳсинга сазовор эмасми? Автоматлаштирилган яхлит ахборот-кутубхона тизими-чи? Ахир буларнинг ҳаммаси ватандошларимизнинг маънавиятини, илмий салоҳияти-ю, билимларини янада юксалтириш учун хизмат қилади.



Давоми 3-бетда



# Халқни руҳлантирган жасорат

Давра суҳбати

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, тарихан қисқа даврда давлатимиз эришган ютуқ ва муваффақиятлар, халқимиз ҳаётидаги янгилик ва ўзгаришлар, босиб ўтилган ғоят мураккаб ва шарафли мустақил тараққиёт йўлида қандай синов ва машаққатлар енгиб ўтилганини, ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, академиянинг профессор ўқитувчилари ва тингловчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, тарихчи ва сиёсатшунос олимлар, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар китобда баён этилган истиқлолга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги теран фикрлар, халқимиз бошидан кечирган турли воқеалар хусусида сўз юритар экан, энг аввало, Юртбошимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундашлилигини алоҳида таъкидлашди.

Давоми 2-бетда

# Асосий Қонун

## ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси

**Ф.МУҲИДДИНОВА,**
ТДЮИ «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси доценти.

Миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш жараёнида, аввало, унинг ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши мамлакатнинг тараққиёт йўли, халқнинг тақдири ва келажагини белгилаб беради. Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида яратилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг туб моҳиятида ана шундай мақсад мужассам ва у амалда ўзининг юксак самараларини бераётганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.




Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида бу алоҳида эътироф этилди. Эришаётган муваффақиятларимизда 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этгани таъкидланди.

Айтиш кераккки, ўтган йиллар давомида туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра илғор миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган Конституциямиз мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, юртимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг мустаҳкам қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда ана шундай қонуний асосга таянилган ҳолда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар ва бу жараёнда инсон манфаатлари устуворлигига қаратилаётган алоҳида эътибор муваффақиятлар омили бўлаётир. Бу кейинги йилларда кўплаб давлатларга салбий таъсир кўрсатган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада яққолроқ намоён бўлди. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларини изчил юксалтираётган, аҳоли даромадларини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш борасида юқори натижаларга эришаётган жаҳондаги саноқли давлатлардан бири бўлиб қолаётир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Асосий қонундир, деган фикри нақадар тўғри эканлигига бугун яна бир бор амин бўлмоқдамиз.

Давоми 3-бетда

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий ифодаси

Анжуман

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган мукаммал сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Халқимиз Конституцияни қабул қилиш орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намоён қилди. Унда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини ифода этиб, миллий давлатчилигимиз ривожи, демократия ва ижтимоий адолат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам йўлини белгилаб берди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Республика Ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этган Ҳарбий прокуратура органлари тизимида хизмат қилаётган ёш мутахассислар учун «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолати» мавзуидаги уч кунлик илмий-амалий анжуманда ҳам шу ҳақда атрофлича фикр юритилди.

Таъкидланганидек, Конституция олий даражадаги қонун сифатида давлатимиз қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Ҳар бир инсоннинг камолоти, эркинлиги, юксак турмуш даражаси, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Конституциямиз мазмунини ташкил этади. Асосий қонунимиз мазмунида БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча муҳим қоидалари ва нормалари акс эттирилган. Шу билан бирга, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўтган тарихий қисқа давр мобайнида конституциявий меъёрлар ва тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тўлиқ таъминлаш борасида ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотлар маърузачилар томонидан ёритиб берилди.

Хусусан, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, энг муҳим йўналишлардан бири бўлган қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасида бу йўналишни ислоҳ этиш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари, шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ва келажакда ўтказилиши лозим бўлган ислоҳотларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Концепциянинг мазмун-моҳияти, шунингдек, Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг концептуал ғоялари семинар иштирокчиларига атрофлича тушунтириб берилди. Бундан ташқари, истиқлолимизнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган босқичма-босқич демократик янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга ҳам депутатлар томонидан атрофлича изоҳлар берилди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилган кенг миқёсли ишлар ҳақида гапирар экан, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганлиги ва мустаҳкамланганлигини алоҳида эътироф этди.

— Мустақил Ўзбекистоннинг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига унча кўп вақт ўтмаган бўлсада, мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, хавфсизлигимизни таъминлашга қодир бўлган қудратли, профессионал армияни шакллантириш борасида катта муваффақиятларга эришилди, — деди маърузачи. — Бундай чора-тадбирлар Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга, ҳарбий хизматга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилиш наинки конституциявий бурч, балки кўпчилик ҳавас қиладиган энг нуфузли касблардан бирига айланди.

Бир сўз билан айтганда, Конституция ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби вазифаларга масъул ва кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Семинарда қатнашган ёш мутахассислар ўзларини қизиқтирган барча саволларга маърузачилардан тўлақонли жавоблар олишди.

## Халқни руҳлантирган жасорат

*Тадбирда сўзга чиққанлар китобда баён этилган истиқлолга эришиш йўлида юртимизда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги теран фикрлар, халқимиз бошидан кечирган турли воқеалар хусусида сўз юритар экан, энг аввало, Юртбошимизнинг мустақил давлат барпо этиш йўлида кўрсатган жасорати ҳар бир юртдошимизни истиқлолнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб яшашга ундашлилигини алоҳида таъкидлашди.*



1-2-бетлар

## Илм, ижод ва кашфиётлар маскани

*Дунё шундай кескин муаммолар билан рўбарў бўлаётган бир шароитда пойтахтимизда гўзал "Маърифат маркази" бунёд этилганлигининг ўзиёқ юртимизда халқимизнинг, айниқса ёшларнинг маънавий комиллиги, маърифий жиҳатдан пешқадам бўлиши борасида давлат миқёсида ғамхўрлик қилинаётганини кўрсатиб турибди.*



1-3-бетлар

## Ҳамюртларимиз Осиёда биринчи !

*Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров иккинчи марта Осиёнинг энг кучли футболчиси деб топилди. 2011 йилнинг энг яхши футболчиси учун аталган ўзига хос кубокни ҳамюртимизга ФИФА Президенти Зепп Блаттер тантанали равишда топширди.*

*Шунингдек, ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет тўртинчи бор Осиёнинг энг яхши ҳакамы деб тан олинди. Унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулла Расулов эса 2011 йилдаги энг яхши қанот ҳакамы сифатида тақдирланди.*



4-бет

# Халқни руҳлантирган жасорат

Давоми. Боши 1-бетда

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,*
*Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси:*



— Дарҳақиқат, истиқлолимизнинг йигирма йиллиги арафасида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби нашр этилиши ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Мазкур китоб айни пайтга қадар истиқлолимизнинг ёритилмаган қирраларини очиб бергани, ноёб манба ва маълумотларни ўзида мужассам этгани туфайли ҳам нафақат юртимизда, балки, халқаро майдонда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Фидойилик, ташаббускорлик, жасорат намунасидаги чиқишлар ва саъй-ҳаракатлар тафсилоти жамланган, энг асосийси, инсонийликни ўзида жо этган бу китоб ҳар бир юртдошимизга Мустақиллик нақадар улуғ ва азиз неъмат эканини яна бир бор чуқур англаши, тафаккур қилиши учун ғоят муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг мазкур китобидан ўрин олган ўта мураккаб ва хатарли тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюлари билан танишган ҳар бир киши ўтган 20 йил давомида босиб ўтилган мураккаб ва машаққатли йўлнинг бошланиши осон бўлмаганини англаши қийин эмас. Шу нуқтаи назардан олганда, китобдаги сўзбоши ўрнида қайд этилганидек, ҳеч муболағасиз, бу тўпламдан жой олган ҳар бир чиқишни муҳим сиёсий воқеа, юртимизни миллий истиқлолга олиб келган машаққатли ва шарафли кураш тарихининг ўчмас саҳифаси, деб аташ мумкин.

**Худоёр МАМАТОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,*
*Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:*

— Мазкур китобни мутолаа қилган киши кўз ўнгида мустақил мамлакатимиз истиқлолининг мураккаб ва жонли тарихи, бу улуғ неъматга эришиш йўлида олиб борилган қатъиятли курашлар, давлатимиз раҳбарининг жасоратли, узоқни кўзловчи серқирра фаолияти, собиқ тузум шароитидаёқ юртимизда мустақиллик ғоясининг шаклланиши, бу қадим орзунинг амалга ошиши қандай кечгани бугуннинг ўзида миллат тарихига бевосита дахлдор бўлиб қолган ноёб ҳужжатлар, аниқ ва таъсирчан фактлар, ҳаяжонли нутқ ва маърузалар мисолида ёрқин намоён бўлади.

Ушбу асар яқин ўтмишимизнинг ишончли, ноёб ва таъсирчан манбаси сифатида бугунги ёш авлодни, уларнинг орқасидан келаётган навқирон ўғил-қизларимизни, озод ва обод диёримиз шаън-шавкатини янада оширишга, миллат руҳини кўтаришга қодир фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда тенгсиз аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди.

Тарих китобларидан маълумки, узоқ ва оғир курашлар ҳисобига кўплаб халқлар босқинчилар зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришганлар, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бу муваффақиятни сақлаб қололмаганлар. Мазкур асарда мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки қадамлари нақадар оғир кечгани, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғида Фарғона, Гулистон, Бўка, Ўш, Наманганда юз берган нохуш воқеалар, собиқ иттифоқпараст кучлар томонидан амалга оширилган "ГКЧП" деб номланган сиёсий фитна пайтида Ўзбекистонда ақл-идрок билан иш тутилгани, ҳар бир қарор халқимизнинг миллий манфаатларига мос равишда қабул қилингани ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 31 август куни бўлиб ўтган олтинчи сессияси минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзларини ўқишнинг ўзи киши вужудини ҳаяжонга солади: "Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти. Бизнинг халқимиз сабрбардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу — ҳаққоний талабдир. Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди".

**Тарих китобларидан маълумки, узоқ ва оғир курашлар ҳисобига кўплаб халқлар босқинчилар зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришганлар, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бу муваффақиятни сақлаб қололмаганлар. Мазкур асарда мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки қадамлари нақадар оғир кечгани, собиқ иттифоқпараст кучлар томонидан амалга оширилган "ГКЧП" деб номланган сиёсий фитна пайтида Ўзбекистонда ақл-идрок билан иш тутилгани, ҳар бир қарор халқимизнинг миллий манфаатларига мос равишда қабул қилингани ўз ифодасини топган.**

**Юлдуз САИДОВА,**
*Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси:*

— Ушбу китобни энг аввало шу юрт фарзанди сифатида, қолаверса, аёл, она сифатида қайта-қайта мутолаа қилдим. Ҳар бир сатрини ўқиб, мушоҳада юритдим. 20-22 йил олдинги даврга қайтдим. Юртбошимиз ўша вақтдаёқ келажакни аниқ тасаввур қилганлигига, эзгу мақсад йўлида қатъият билан иш юритганлигига яна бир карра амин бўлдим.

Келинг, 80-йилларнинг охирида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият аянчли ҳолатга келиб қолганини эслайлик. Буни катта авлод вакиллари унутмаган, албатта. Аёллар ва болалар саломатлиги масалалари ўша вақтларда ҳукуматнинг хаёлига ҳам келмас эди. Аёллар ва болалар ўлими кўпайгани, истеъмол даражаси пастлиги, ишсизликнинг ортиши, пахта яккаҳокимлиги, тартибсизлигу бузғунчиликлар Ўзбекистонни аянчли аҳволга солиб қўйган эди.

Мазкур китобни ўқиган ҳар бир киши 1989 йилнинг ёзидан бошланган ва изчил олиб борилган Юртбошимиз бошчилигидаги машаққатли кучли ижтимоий сиёсатни ҳам янада теранроқ англайди. Зеро, бунинг бекиёс самарасини барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Эътибор беринг, аҳолининг ўртача умр кўриши 1990 йилда 67,2 ёш бўлган бўлса, 2000 йилда бу рақам 70,8 ёшга етди. Изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳозир мамлакатимизда аёлларнинг ўртача ёши 75, эркаклар эса ўртача 73,1 йил умр кўрмоқда.

Бугун мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилаётир. Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётир. Ёшларнинг дунёқараши, ахлоқ-одоби мамлакат, миллат тақдири учун нечоғли муҳимлиги хусусида Юртбошимиз Ислом Каримов истиқлолга эришишдан аввал ўз фикрларини билдириб, шундай деган эдилар: "Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим". Бу курашнинг нақадар муҳимлиги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунки ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш ҳамон давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу китоби ёши ва касбидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимиз, айниқса, миллий истиқлол тарихини яратиш ва бу тарихни янги-янги авлодлар онгига мукаммал тарзда етказиш вазифаси билан шуғулланаётган тарихчи олимлар, мутахассислар, устоз ва мураббийлар, ота-оналар учун ғоят муҳим манба ҳисобланади ва йиллар ўтгани сари ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти ортиб бораверади. Айниқса, фарзанд тарбиясида аҳамияти бекиёс. Зотан, ҳар бир ота-она ўз фарзандларини комил инсон бўлиб вояга етишларини истайди.

**«Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида ўзини мустақил деб билган давлат ўз ҳудудида бўлган барча ер ости-ю, ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эгалик қилмоғи керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз бойликларидан ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан фойдаланиш масаласида ҳам эркин бўлиши зарур».**

**Ҳасан АБДУЛҚОСИМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори,*
*иқтисод фанлари доктори:*

— Китобни ўқир экансиз, Президент Ислом Каримовнинг ўта мураккаб шароитдаги жасоратларига гувоҳ бўласиз. Масалан, 1989 йил 24 июнда Ўзбекистон ССР Министрлар Советида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келди: "Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди", деб янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришаётгани ўз фаолиятида ислоҳотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қилди.

Ёки 1989 йил 17 августда Президентимиз бошчилигида республика ҳукуматининг йиғилишида "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида" қарор қабул қилингани-чи?! Ўшанда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди.

Пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилганининг ўзи катта бир жасорат эди. Бу пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди. Бу саъй-ҳаракат ўзбек халқини ҳурлик сари олға бошлади...

"Правительственный вестник" ҳафтаномаси мухбири саволларига жавобларида (Халқ сўзи, 1991 йил 2 февраль) Юртбошимиз шундай деган эдилар: «Бутун мамлакат учун "темир қўл"ни қидирмасдан, балки ўйлаб қўйилган режаларни қатъият ва изчиллик билан адо этиш керак.

Пахта майдонини қисқартирган ҳолда аввалги йиллар даражасида ҳосил йиғиштириб олдик. Қандайдир "темир қўл" эмас, балки ҳақиқий иқтисодий омил амал қилди».

ЎзССР Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида сўзланган нутқида эса «Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида ўзини мустақил деб билган давлат ўз ҳудудида бўлган барча ер ости-ю, ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларга ҳеч сўзсиз фақат ўзи эгалик қилмоғи керак. Шу билан бирга, Ўзбекистон ўз бойликларидан ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотдан фойдаланиш масаласида ҳам эркин бўлиши зарур» деганди.

Барчасини жамлаб мухтасар айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов халқимизни мустақилликка олиб чиқишни ўз олдига аниқ мақсад қилиб қўйгани ва бу улуғ ният йўлида қатъий кураш олиб борганини англаш мумкин.




**Сирожиддин РАУПОВ,**
*Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари:*

— Китоб мутолааси жараёнида ўша кунлар, юртимизда ғоят қалтис ва носоғлом вазият вужудга келган, собиқ империя ич-ичидан емирилиб бораётган, шунга қарамасдан «жилов»ни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилаётган бир пайтда ўзим иштирокчиси бўлган бир воқеа ёдимга тушди.

Саксонинчи йилларнинг охири эди. Ўшанда биз ҳали талаба эдик. Собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларида гоҳ ошкор, гоҳ яширин тус олаётган нотинчлик ва ғалаёнлар аста-секин Тошкентга ҳам етиб келди.

Ҳаётнинг суронли синовларига илк бор дуч келган, ҳали онги ва дунёқараши шаклланмаган талаба ёшлар, минг афсуски, қалтис бир даврда ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Ҳар хил норасмий ҳаракат ва партиялар ўз манфаатлари йўлида уларни сиёсий «ўйин»лар гирдобига торта бошлади.

Мана шундай мураккаб вазиятда Қашқадарё вилояти раҳбари Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан ёшлар ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган адашишларнинг олдини олиш мақсадида катта бир амалий қадам ташланди.

1989 йилнинг апрелида Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг маданият саройида қашқадарёлик талаба ва домлалар билан вилоят раҳбарининг учрашуви бўлади, деган хабар тарқалди. Республикада авж олган бошбошдоқлик таъсирида ҳаётдаги етишмовчиликлардан норози бўлиб юрган ёшлар белгиланган куни вилоят раҳбари билан учрашувга тўпланишди. Уларнинг аксарияти бундай учрашувдан бирон-бир ижобий натижа чиқишига деярли ишонмас эди. Чунки республиканинг амалдаги раҳбарияти ёшларнинг ҳақли талабларига мутлақо эътибор қаратмаётган эди. Шу боис кўпчилик: «Қани вилоят раҳбари бизга нима дер экан? У ҳам бошқа раҳбарлардек қуруқ ваъда бериб кетадиган бўлса, бунинг бизга кераги йўқ» деган кайфиятда эди.

Учрашув ўтказиш учун тайёрланган зал тахминан 500 кишига мўлжалланган бўлиб, ўша куни бу ерга мингдан зиёд ёшлар тўпланди. Уларнинг аксарияти тик оёқда туришар, шунга қарамасдан уларнинг юз-кўзида, таъбир жоиз бўлса, афсонавий қаҳрамон билан учрашишга чоғлангандек ажиб бир қизиқиш зоҳир эди.

Тўғриси, учрашув бошида у ёқ бу ёқдан луқма ташлаш, қарсакбозлик ва шовқин кўтаришлар ҳам бўлди. Бироқ кутилмаганда нотиқ жуда самимий руҳда бошлаган гап-сўзлари билан аудиторияни ўзига жалб этиб олди ва суҳбат охирига қадар шундай кайфиятда ўтди.

Ислом Каримов асосий эътиборни талабаларнинг кўнглини кўтариш, уларнинг яшаш ва ўқиш шароитларини ўрганишга қаратди.

У киши ёшларни юрагига яқин олиб, улар билан очиқ ва узоқ суҳбатлашди. Вилоят раҳбари талабалар кўнглидаги гапларни, уларни қийнаётган муаммоларни диққат билан эшитди. Сўнг уларни ҳал этиш ҳақида гапирди. Ислом Каримовнинг ўшандаги гапи, яъни ҳозирги қийинчиликлар ўз йўли билан, уларни албатта биргаликда ҳал қиламиз, лекин сизларнинг асосий вазифангиз — ўз соҳангиз бўйича етук мутахассислар бўлиб етишиш эканини асло эсингиздан чиқарманг, деган даъвати менинг хотирамга муҳрланиб қолган.

— Барчангиз яхши биласизки, вилоятдаги аҳвол хавас қиладиган даражада эмас. Сизларни Қашқадарёнинг, умуман республикамизнинг келажаги, пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқ масалалар, уларнинг ечими қизиқтириши, табиий. Аслида, пахта яккаҳокимлиги деган нарсани, унинг нима учун яккаҳоким бўлиб қолганини кўпчилик тушунмайди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, бу масалада ўзимиз айбдормиз, — деган эди у киши сўзини давом эттириб. — Лекин биз турмушни яхшилаш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилаяпмиз. Чунки ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким четдан келиб бизга шарт-шароит яратиб бермайди. Шундай экан, биринчи навбатда биз пахта яккаҳокимлигига барҳам бериб, мева-сабзавот экинлар учун ер лимитини оширишимиз, қолаверса, аҳолини газ, тоза ичимлик суви билан таъминлашимиз даркор. Бу борада кўплаб ишлар қилинди ва қилинмоқда. Насиб этса, сизлар ўқишни тугатиб боргач, мана шу ишларни биргаликда давом эттирамиз. Ота-онангизнинг сиздек ўғил-қизларидан орзу-умиди катта. Бизнинг бирдан-бир истагимиз — сизларнинг бахтингизни кўришдан иборат. Буни ҳеч қачон унутманг.

Ўшандаги ҳаяжонли бу учрашув, раҳбарнинг талабаларга оталарча самимий муносабати эртаси куниёқ бутун пойтахтга овоза бўлган эди. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг бошқа вилоятларидан келган талабалар биз қашқадарёлик ёшларга ҳавас назари билан қарашганини яхши эслайман.

**Шаҳноза АЗИМОВА,**
*Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти аъзоси:*



— Айни ҳақиқат, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари биз ёшларга тарихимизни теран англашда муҳим омил бўлмоқда. Биз ушбу китоб орқали Ватанимиз мустақиллиги осонлик билан қўлга киритилмагани, бу йўлда халқимиз катта машаққат ва синовларни бошидан кечиргани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик. Бошқа манбаларда учрамайдиган тарихий далил ва маълумотлар ҳам истиқлолга эришиш арафасида юртимизда юзага келган вазият тўғрисидаги тушунчаларимизни бойитди. Китобни ўқиб, биз, ёшлар озод ва обод Ватанда туғилиб ўсганимиз, Президентимизнинг чексиз эътибор ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, таълим-тарбия олаётганимиздан фахрланиш баробарида, истиқлолнинг нечоғли буюк неъмат эканлигини ҳар лаҳза ҳис қилиб яшашимиз, уни қадрлашимиз лозим, деган хулосага келдик.

**Юртбошимиз Ислом Каримов истиқлолга эришишдан аввал ўз фикрларини билдирган эдилар: "Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз диёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим".**

**Шунингдек, давра суҳбатида сўзга чиққан бошқа иштирокчилар, хусусан, ўша оғир кунларга гувоҳ бўлган катта авлод вакиллари ва олимлар китобда ҳикоя қилинган воқеалар, ҳақиқатдан ҳам, ғоят таҳликали кечгани, эртанги кунига ишончи қолмаган халқимизни мустақиллик сари бошлаш ва руҳлантиришда Юртбошимизнинг шахсий ибрати, ватанпарварлиги муҳим омил бўлгани ҳақида гапирдилар.**

Саҳифани Фарҳод ЭСОНОВ тайёрлади.

# Илм, ижод ва кашфиётлар маскани

Давоми. Боши 1-бетда



Биз азалдан китобхон халқмиз. Аждодларимиз ҳамиша китобни азиз билиб, уни фақат нондан кейинги ўринга қўйиб келишган. Зеро маънавият, маърифат, Комиллик асосида мутолаа ётади.

Элимизнинг ҳикматли гапларида ҳам илм, мутолаа улуғланганлигининг шоҳиди бўламиз: "Илмни Чин-Мочинга бориб бўлса ҳам ўрган", "Ўқиган ўзади, ўқимаган тўзади"...

Бундан саккиз аср бурун яратилган Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ" асарининг биринчи бўлими "Илм манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида" деб номланиши бежиз эмас. Китобда, жумладан, шундай дейилади:

***Билик билти бўлти эран белгулик,***
***Биликсиз тирикла йитук кўргулук.***

Яъни илмли кишиларнинг (номи) машҳур бўлди, билимсиз (кишилар) эса тириклайин ўлди ҳисоб ва бу унга кўргиликдир.

Шу сабабли юртимиздан жаҳон фани, тиббиёти, санъати, тамаддунига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган, Инсоният даҳолари осмонида юлдуз бўлиб чарақлаб турган Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, ат-Термизий, Яссавий, Ғиждувоний, Навоий, Бобур, Машраб, Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Авлоний каби сон-саноқсиз даҳоларни олинг...

Ҳа, аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Экспертларнинг қадим ўзбек маданиятининг Марказий Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадим Римга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин, дея эътироф этганлари бежиз эмас.

Айни пайтда аждодларга муносиб бўлиб, биз ёшлар учун бу дунёга ўз сўзимизни айтадиган давр ҳам аллақачон етиб келган. Пойтахтимиз марказида бизни эзгу фаолиятга, яратувчанликка, ижодга чорлаб турган "Маърифат маркази" бизга шундай имкониятлар яратиб бериши билан янада қадрли. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради.

Илм, маърифатнинг нафақат инсон ва жамият ҳаётида, балки Ватан шон-шуҳратини оширишда ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди.

Ўз навбатида илмсизлик, маънавий иммунитетнинг заифлиги кишини комиллик йўлидан чалғитиб, манфаатпарастлик, худбинлик, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш сари бошлайди. Айни мана шу нуқтаи назардан ҳаёт тарзига ғарбона ва шарқона қараш ўз аксини топади. Ҳаётга фақат "мен, мен" деб қараш, ўз ҳузур-ҳаловатини биринчи ўринга қўйиш худбинликни шакллантиради. Бундай муҳитда, айниқса, ёшлар моддий бойликларга, ҳузур-ҳаловатга кўпроқ ўч бўлиб қолишади.

Бундай мафкура тарафдорлари бу мақсад йўлида одоб-ахлоқ, инсонийлик муносабатларини бемалол топтаб ўтиб кетсаям бўлади, деб ўйлашади. "Оммавий маданият" тарғиботчилари ҳар қандай миллатнинг, халқнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган юксак маънавий қадриятларини менсимайдилар, уларни "эскилик сарқити" деб ҳам эълон қилишгача бориб етадилар... Бу қандай оқибатга олиб келади? Жавоб ўз-ўзидан аён: тинмай кўз-кўз қилинган эгоцентризмга асосланган ғарбона турмуш тарзи ниҳоят неча минг йиллик бой анъаналарга, қадриятларга зарар етказади. Шу эмасми мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ тус олганининг яна бир кўриниши. Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир гапи ёдга тушади: "Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва таҷовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади".

Дарҳақиқат, шундай. Бунинг устига, агар очиғига кўчадиган бўлсак, ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, кўп ҳолларда ўша тинмай мақталаётган Ғарбона таълим-тарбиянинг, турмуш тарзининг заиф жиҳатлари яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Яқинда Лондонда нашр этиладиган Evening Standard газетасида чоп этилган мақолага кўра, пойтахтда истиқомат қиладиган бир миллионга яқин киши оддийгина матнни ҳам қийинчилик билан ўқийди. Шаҳарда фаолият юритаётган компаниялар ходимларининг қирқ фоизга яқини ўқишни аранг эплашади. Шу сабабли бу компанияларга хориждан билимдон мутахассислар жалб этилаяпти. Буюк Британия пойтахтида таълим олаётган ҳар уч нафар боланинг биттасида умуман биронта ҳам китоб йўқ, аммо 85 фоиз бола ўз шахсий компьютерига эга...

Ана сизга китобга, мутолаага эътиборсизликнинг, илм-фан ютуқларига, хусусан компьютерлаштиришга зўр беришнинг аянчли оқибатлари. Компьютер ўйинларидан бош кўтармаётган ўсмир ёки йигит-қиз кутубхонага борармиди? Биргина Европа мамлакатларида бундай "компьютер дарди"га чалинганлар сони бир неча миллиондан ошиши мутахассислар томонидан аниқланган.

Дунё шундай кескин муаммолар билан рўбарў бўлаётган бир шароитда пойтахтимизда гўзал "Маърифат маркази" бунёд этилганлигининг ўзиёқ юртимизда халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий комиллиги, маърифий жиҳатдан пешқадам бўлиши борасида давлат миқёсида ғамхўрлик қилинаётганини кўрсатиб турибди.

Биз истиқлол даври ёшларимиз. "Мустақиллик бизга нима берди?" деган саволга тўлиб-тошиб жавоб бера оламиз. Яратилган имкониятлар, шарт-шароитлар беқиёс. Аммо бугун олдимизда "Мен Мустақилликка нима қилиб бердим?" деган савол кўндаланг турибди.

Биз интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган, тафаккур ва маънавият асри бўлган XXI асрда яшамоқдамиз. Бизнинг бош вазифамиз — замон талабларига "лаббай" деб жавоб бера билишда. Биз ўзимизни юксак, оламшумул ғояларга, мақсадларга чоғлашимиз лозим. Ўз илмимиз, иқтидоримиз билан Ўзбекистонни дунёга танитмоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарз! Токи она юртимиз биз билан фахрлансин. Бу эса бизнинг ўзимизни тарбиялаган, нон-туз берган шу муқаддас заминга, шу буюк халққа кўрсатган камтарин эҳтиромимиз бўлади. Давр биздан шуни талаб қилмоқда. "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаб ўтилганидек: "Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш — ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу".

...Ҳеч эътибор берганмисиз, ижодкор аҳли, тафаккур аҳли гўзаллик шайдолари бўлишади. Достоевский "Дунёни гўзаллик қутқаради" дея эътироф этгани бежиз эмас. Сервантес гўзалликни бутун оламни қалбга олиб кирадиган куч, деб атайди.

Зеро, гўзаллик тилсими азал-азалдан инсон қалбини лол этади, ҳайратга солади. Ҳайрат ижод доясидир.

Фавқулодда гўзаллик билан улуғвор маҳобатнинг уйғун келиши эса инсон қалбини ҳайратга солиши билан бирга уни янги-янги кашфиётларга ундаши, табиий. Бир гўзаллик янгидан-янги гўзалликларни дунёга келтиради.

Адиблардан бири умрини ғариб кулбасида ўтказган деҳқон илк бор қўшни қўрғондаги минорани кўргандаёқ "Мана шу дунёдаги энг зўр иншоот", деган хулосага келишини таъкидлаб ўтади. Чиндан ҳам, кўп нарса муқоясада билинади. Шукрки, мустақиллик шарофати билан юртимиз ҳам дунё миқёсидаги глобализация, интеграция жараёнларига қўшилди. Шўро истибдоди барҳам топиб, дунёнинг олтидан бирини "лагер"га айлантирган темир тўсиқлар олиб ташлангач, дунёга янгича нигоҳ билан қараш, уни англаш имкониятига эга бўлдик.

Тан бериш керак, дунёда чиройли мамлакатлар, иншоотлар кўп. Аммо ислоҳотлар инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган Ватанимиз бу борада кўплаб юртлардан ўтса ўтаётганини, аммо ортда қолмаётганини англаш кишига фахр ва ғурур туйғуларини бахшида этаркан. Айни пайтда, бизга бундай туйғуларни армуғон этаётган ўзгариш ва янгиланишлар айнан истиқлол йилларида рўй бераётганини эътироф этиб ўтмасак бўлмайди.

Билмадим, бу ўхшатиш қанчалик тўғри, аммо миллий кутубхонамизнинг янги маскани билан танишарканман, нимагадир дарҳол ёдимга кўҳна "Байтул ҳикмат" тушди. Аммо айрим манбаларда китоб бойлиги юз минг нусхадан иборат бўлган деб аталадиган бу ўзига хос "академия"дан фақат олиму фузалолар фойдаланиш имкониятига эга бўлишган, холос.

"Маърифат маркази" гўзаллик ва маҳобат уйғунлигини ўзида мужассам эта олган муаззам иншоот. Тўғриси, Симпозиумлар саройи ўзининг бетакрорлиги, шарқ афсоналаридаги учрайдиган мўъжизавий қасрларга монандлиги билан мени ҳайратга солди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жамланган китоблар — халқимизнинг бойлиги. Бу маънавий бойликдан самарали фойдаланиш эса қанчадан-қанча кашфиётлар, ихтиролар, оламшумул асарлар бешиги бўлиб хизмат қилишини ҳатто тасаввур этиш ҳам мушкул. Зеро ҳар қандай янгилик, яратувчанлик замирида илм ётади. "Маърифат маркази" эса мана шундай илм, ижод ва кашфиётлар маскани бўлиб қолади.

# Асосий Қонун

## ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асоси

Давоми. Боши 1-бетда

Конституциямизда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ белгилаб берилган. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида қайд этилган.

Энг асосийси, Конституциямизда белгиланган тамойиллар ижтимоий ҳаётимизда тўлиқ ўз аксини топиб, бугунги кунда давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз функцияларини самарали адо этишига имкон бераётир. Давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган Концепцияга биноан Асосий Қонунимизнинг янада такомиллашуви мамлакатимизда демократик тамойилларнинг чуқурлашувига, юртимизнинг янги тараққиёт марраларини забт этишига кенг йўл очди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бу борада ўтган давр мобайнида суд ҳокимияти жамиятда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи яхлит тизим сифатида тўлиқ шаклланди. Бу Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилганлиги самарасидир. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни Янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 44-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Мазкур меъёрни ҳаётга татбиқ этиш асносида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга, фуқаролар онгида суд ҳокимиятига ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган орган сифатида қарашни шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши билан бирга судларнинг қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашдаги роли кучайтирилди. Бир-бирини мазмунан тўлдирувчи бу омиллар туфайли кейинги йилларда юртдошларимизнинг суд ҳокимиятига бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Суд ишларини апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби жорий этилгани, кассация ва назорат инстанциялари янада такомиллаштирилгани фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишни кучайтиргани ҳам ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатди. Чунки фуқаролик ва жиноят ишларини кўришнинг апелляция тартиби жорий қилиниши, ортиқча сансалорликсиз, биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминламоқда. Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилди.

Истиқлол йилларида миллий қонунчилигимизнинг нафақат ҳимоя ҳуқуқининг, балки инсонпарварлик тамойилларининг кучайтирилгани ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, хусусан, 2001 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилингани бу борада катта янгилик бўлди. Ушбу Қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Шунингдек, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар Жиноят Кодексининг 11 та моддасига киритилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, биринчи галда, судларнинг амалдаги мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасидаги ишлар ўз самараларини бермоқда. Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ҳамда ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонунига мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилмоқда.



## *Ҳурматли юртдошлар, азиз автотранспортчилар!*

Енгил автомобилларда йўловчиларга йўналишсиз такси хизмати кўрсатиш сифатини ошириш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 18 майидаги 139-сон қарори билан "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом тасдиқланди.

2012 йилнинг 1 январидан кучга кирадиган мазкур Низомга кўра йўловчиларга йўналишсиз такси хизмати кўрсатадиган автотранспорт воситаси ички ва ташқи таниқлик белгилари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Жумладан, Тошкент шаҳрида фақат фил суяги рангидаги, республикамизнинг бошқа ҳудудларида эса фақат сариқ рангдаги автомобиллargина йўналишсиз такси хизматини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шунингдек, автотранспорт воситалари таксометрлар, касса аппаратлари ва терминаллар билан ҳам жиҳозланган бўлиши лозим.

Қарор ижроси юзасидан қўшимча маълумотларни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг (8-371) 241-18-10, 241-15-11 ҳамда Агентлик ҳудудий бўлимларининг илова қилинаётган телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

**Шунингдек, "Avto plyus" газетаси ва www.autotrans.uz сайти ҳам бу борада Сизга яқин кўмакдош бўлади.**

Ҳурматли ташувчилар! Қарор ижросини таъминлашга шошилинг! Зеро, талаблар бўйича жиҳозланмаган ва лицензияланмаган автотранспорт воситасида йўловчиларни ташиш қонунга хилофдир.

**Агентлик ҳудуди бўлимларининг манзиллари ва телефон рақамлари:**

— **Тошкент шаҳри бўлими:**
Тошкент шаҳри, Яккасарой кўчаси, 5-уй, тел.: 253-42-02;
— **Тошкент вилояти бўлими:**
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 16-уй, тел.: 239-49-03;
— **Сирдарё ҳудудий бўлими:**
Гулистон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 64-уй, тел.: 225-24-26;
— **Жиззах ҳудудий бўлими:**
Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-а уй, тел.: 223-28-44;
— **Андижон ҳудудий бўлими:**
Андижон шаҳри, Амир Темур кўчаси, Агентлик биноси, тел.: 224-17-23;
— **Фарғона ҳудудий бўлими:**
Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 52-уй, тел.: 224-19-84;
— **Наманган ҳудудий бўлими:**
Наманган шаҳри, Н.Намонгоний кўчаси, 20-уй, тел.: 226-55-44;
— **Самарқанд ҳудудий бўлими:**
Самарқанд шаҳри, А. Темур кўчаси, 69-уй, тел.: 233-31-38;
— **Навоий ҳудудий бўлими:**
Навоий шаҳри, А.Навоий кўчаси, 5-уй, тел.: 224-68-91;
— **Бухоро ҳудудий бўлими:**
Бухоро шаҳри, Оқ мачит кўчаси, 1-уй, тел.: 225-08-39;
— **Қашқадарё ҳудудий бўлими:**
Қарши шаҳри, Ғузор кўчаси, 12-уй, тел.: 227-00-72;
— **Сурхондарё ҳудудий бўлими:**
Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-а уй, тел: 223-21-66;
— **Хоразм ҳудудий бўлими:**
Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 101-уй, тел.: 225-58-56;
— **Қорақалпоғистон Республикаси бўлими:**
Нукус шаҳри, Татибаев кўчаси, 5-уй, тел: 222-60-11.


# Огоҳ бўлинг!

**Шу йил 25 ноябрдан 25 декабргача республикамизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади**

**Ёнғин — тилсиз ёв**

**Убайдулла УТАБЕКОВ,**
Тошкент шаҳридаги, 12-ХЁХО инспектори.

Шу муносабат билан Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан бугундан эътиборан жойларда ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини аҳолига тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этиш ишларини бошлаб юборишди. Улардан кўзланган мақсад — аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириб, нохуш ҳолларнинг олдини олишдир.

Биласиз, тилсиз ёв билан кураш — фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларинингина иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг — ҳам иши, ҳам бурчи. Зеро, «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шиор — ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Жумладан, очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, носоз, қўлбола электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик, шунингдек, белгиланган жойларда чекиш каби қоидаларга риоя қилинса, уйларимизни, йиллаб йиққан мол-мулкимизни, уй-жойимизни, қолаверса, ўзимизни ва яқин кишиларимизнинг ҳаётини ҳам асраб қолган бўламиз.

# Ҳамюртларимиз Осиёда биринчи !

**Футбол**

**Илёс ШЕРМУРОД** тайёрлади.

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК)нинг 2011 йилги футбол мавсумининг турли номинациялар бўйича Энг яхшиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда уч нафар ҳамюртимиз Осиё қитъасида тенгсиз сифатида эътироф этилди.



Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров иккинчи марта Осиёнинг энг кучли футболчиси деб топилди. 2011 йилнинг энг яхши футболчиси учун аталган ўзига хос кубокни ҳамюртимизга ФИФА Президенти Зепп Блаттер тантанали равишда топширди. Ўзининг чиройли ўйинлари ва ҳал қилувчи голлари билан Ўзбекистон миллий терма жамоасининг «Осиё кубоги — 2011» мусобақаларида кучли тўртликдан жой олишига ҳамда жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш баҳсларидаги муваффақиятли юришларида жамоа сардори сифатида қўшган муносиб ҳиссаси учун Серверга ушбу юксак соврин муносиб совға бўлди.

Шунингдек, дунё ва Осиё қитъасидаги бир қатор нуфузли халқаро ўйинлардаги муносиб иштироки билан ўзбек футболини адолатли ҳакам сифатида дунёга танитган ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет тўртинчи бор Осиёнинг энг яхши ҳакеми деб тан олинди. Унинг ёрдамчиси Абдуҳамидулла Расулов эса 2011 йилдаги энг яхши қанот ҳакеми сифатида тақдирланди.

Халқаро миқёсда эътироф этилган ушбу ютуқлар ўзбек футболи тарихи зарварақларини безаши билан бирга, унинг янада равнақ топишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Россияда белбоғли кураш бўйича "Гран-при" туркумига кирувчи халқаро турнир ва жаҳон кубоги мусобақаси ўтказилди.

# Рустам полвоннинг Россиядаги ғалабаси

**Белбоғли кураш**

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
ЎзА шарҳловчиси.

Дунёнинг 17 давлатидан энг сара полвонлар иштирок этган "Гран-при" туркумидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз, уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган беллашувларда ажойиб усул ва юқори техникасини намойиш этган полвон халқаро турнирнинг "Энг яхши курашчиси", деб топилди ва махсус соврин билан тақдирланди.

"Гран-при" туркумидаги турнирда полвонларимиздан Зоҳид Исмоилов, Зайлобиддин Ортиқов ҳамда Нуриддин Маҳаматов бронза медални қўлга киритди ва битта олтин, учта бронза медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Белбоғли кураш бўйича жаҳон кубоги мусобақасида энг кучли саккиз терма жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун ўзаро рақобатлашди. Қоидага кўра, ҳар бир жамоа таркибида етти нафардан полвон гиламга чиқди. Гуруҳ ғолиблари бош соврин учун, иккинчи поғонани эгаллаган терма жамоалар учинчи ўрин учун беллашди.

Рустам Умаров, Нуриддин Маҳаматов, Искандар Маҳаматов, Обидали Мавлонов, Акмал Нурматов, Жаҳонгир Абдулхайров ҳамда Шуҳрат Бозоровдан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳи баҳсларида Қозоғистон ва Қирғизистон вакилларини мағлубиятга учратди. Фақат мусобақа мезбонлари — россияликларга кичик ҳисобда ютқазган ҳамюртларимиз гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсда ўзбекистонлик полвонлар Европа терма жамоаси устидан зафар қучиб, жаҳон кубогининг бронза медалини қўлга киритди.

# Электрон тўлов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

**У. СУЛАЙМОНОВ,**
Яккасарой тумани ДСИ «Солиқ текширувлар» бўлими бошлиғи.

Мазкур йўналишда, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам салмоқли ишлар бажарилди.

Хусусан, тумандаги тижорат банклар томонидан аҳолига ойлик маошлар ва банк кассаларидаги жамғарма пулларидан фойдаланиш учун кенг миқёсда пластик карточкалар жорий этилгани, савдо умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларига тегишли шохобчаларида пластик карточкалар ёрдамида тўловларни амалга оширишга мўлжалланган терминаллар ўрнатилгани бунинг исботидир.

Ҳозирги кунда савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик субъектлари пул тушумларининг ўртача 60 фоизини электрон тўловлар ташкил қилади.

Ҳудудда ўрнатилган терминаллардан савдони амалга ошириш жараёнида баъзи корхоналар томонидан белгиланган қоидаларга риоя этмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Бундай ҳолатларни аниқлаб, қоидабузарларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар кўриш борасида Яккасарой тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Мир Мадина» хусусий фирмасига қарашли умумий овқатланиш шохобчасида текшириш ўтказилганда, корхона қаҳвахонасида пластик карточкалар ёрдамида тўловларни амалга ошириш учун терминал аппарати ўрнатилмаганлиги, кассир томонидан мижозга назорат касса машинасидан харид чеки берилмаганлиги ва 42500 сўмлик савдо пуллари НКМ хотирасига киритилмаганлиги аниқланди.

«Мега Стилист» масъулияти чекланган жамиятига қарашли гўзаллик салонида текшириш ўтказилганда ҳам салонда терминал аппарати ўрнатилмагани ва салон уста-сартароши томонидан кўрсатилган хизмат учун олинган 14000 сўмга квитанция ёзиб бермагани аниқланиб, юқорида қайд этилган иккала ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Мазкур йўналишда туман Давлат солиқ инспексияси томонидан белгиланган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

# Маънавий мулк

**Инсон одоби билан азиз**

**М. АҲМЕДОВ.**

Инсоннинг одоби унинг бебаҳо маънавий мулки ҳисобланади. Бундай мулк эгалари ахлоқан мукаммал, муомала маданиятини чуқур эгаллаган кишилар бўлиб, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам вазмин, мулоҳаза, ақл-идрок билан иш юритадилар. Ҳис-ҳаяжонини бошқара олган киши эса деярли хато қилмайди. Оғир-вазминлик, етти ўйлаб бир кесиш қатъиятсизлик эмас, шарқона маданият ва юксак маънавият белгиси ҳам ҳисобланади.

Маънавий комилликка интилаётган киши суҳбатдошини ҳурмат билан тинглайди, фақат менинг фикрим тўғри, бошқаларники хато, дея калондимоғлик қилмайди. Шарқ донишмандлари, агар сен комилликда бағоят юқори мартабага эришган бўлсанг-да, ҳузурингга келган кишини эътибор билан тингла, муддаосини тушун, деб уқдирадилар. Бу — жуда улуғ насиҳат. Афсуски, инсон маънавиятнинг бу муҳим талабига ҳамиша ҳам риоя қилинмайди.

Касбим тақозосига кўра, туман идораларидан бирининг ёш, серғайрат ходими олдига кириб, ишим битмагани майли, унинг кўрс муомаласи, беписандлиги, ўзига ортиқча бино қўйишидан қаттиқ ранжидим, кайфиятим бузилди. Ёш бошлиқ мени деярли эшитмади, фикримни энди жамлаганимда, қўл телефони жиринглаб, кимлар билandir узоқ гаплашади, овозини баралла қўйиб кулади, асабга тегадиган қилиқлар қилади. Қўнғироқлар орасида менга «Ҳали ҳам шу ердамисиз?» дегандай ёқимсиз қараб қўяди. Иккита олийгоҳни тугатган йигит экан, аммо муомала маданиятини ўрганишга вақти бўлмабди, чоғи.

Бир гал тиббий маслаҳатхона биноси коридорида «Агар сиз бу ердан ўзингизни бироз бўлса-да енгил ҳис қилмай чиқсангиз, демак врач ҳузурида бўлмабсиз», деган маънодаги ёзувга кўзим тушиб, аввалига, врач билан гаплашган бўлса, нега энди унинг ҳузурида бўлмаган бўлади, дея ҳайрон бўлганман. Гап нима ҳақидалигини кейинчалик — касалхоналарнинг анча-мунча хоналарига кириб чиққанимдан кейин тушундим. Хулосам шу бўлдики, беморнинг тузалиши муомала маданиятини касб тақозоси даражасида эгаллаган шифокорнинг «туртки» сўзи билан ҳам бошланиши мумкин. Врач беморнинг юрак уришини эшитиб кўрди-да: «Отахон, ёшингиз етмишлардан ошгандир-ов», деди. Отахон «ҳа» дегандай бошини қимирлатди-ю, бор гапни борлигича эшитди: «Юрак — бир парча гўшт, бобой, етмиш йилда темир ҳам ейилади».

Энди шу ҳолатнинг аксини тасаввур қилинг. Кўчада, маҳаллада дўстингиз ёки шунчаки танишингизга, ишхонада касбдошингизга: «Бугун кўринишингиз анча яхши, юзингиз тиниқ», деб кўринг, касалхонага тушган биродарингизни кўргани бориб, «Яхшисиз, юзингизда беморлик аломати йўқ» денг, натижа шу оннинг ўзида намоён бўлади.

Муомала маданияти кенг қиррали фазилат. Уни эгаллашга ўргатадиган махсус ўқиш жойи йўқ. Ҳаётнинг ўзи дорилфунун, ўзи муаллим. Ёши улуғлар олдида сўзамоллик қилишдан тийилиш, ноўрин луқма ташламаслик, фикрини бўлмаслик, кимнидир изза қилиш, нафсониятига тегмаслик, нохуш воқеаларни бемаврид эсламаслик... Бу рўйхатни яна анча давом эттирса бўлади. Ҳаётда эса бу ҳолатларнинг ҳар бирига ижобий маънода ҳам, салбий маънода ҳам мисоллар кўп.

Одобнома китобларидан бирида ўқиганман. Бир киши ўн икки ёшли ўғлини устознинг олдига олиб келиб, унга илм ўргатишни илтимос қилибди. Устоз йигитчани суҳбатга тортибди, аммо унда илмга рағбат йўқлигини фаҳмлаб, отасига: «Ўғлингизни бирор ҳунарга берсангиз маъқул бўлармиди», дебди. Ота: «Йўқ, ўғлим илм олиши керак, олим бўлиши керак», деб туриб олибди. Устоз тўғрисини айтишга андиша қилиб, ўғилчани олиб қолибди, аммо отасига: «Олти ойдан кейин бир хабар олинг», дебди.

Орадан олти ой ҳам ўтибди. Ота ўғлидан хабар олгани келибди.

— Хўш, бизнинг полвон ўғлимиз илм ўрганмоқдами, зеҳни дурустми? — деб сўрабди у устоздан. Устоз: «Ҳозир олдингизда имтиҳон қиламиз», дебди-да йигитчани ёнига чорлаб:

— Ўғлим, отангиз сиздан хабар олгани келибдилар, қани, бу ерда ўрганган нарсаларингизни айтиб, у кишини бир хурсанд қилинг, — дебди-да болага шундай савол берибди:

— Бир уй ҳайвони бор. Бошидаги тожи жуда чиройли. Думи ҳам чиройли. Ҳар куни эрта тонгда қичқириб, ҳаммани уйқудан уйғотади. Шу ҳайвоннинг номи нима?

Бола узоқ ўйлаб туриб, «Қуён» дебди.

— Баракалла бўтам,— дебди устоз. — Ҳарқалай, ёмон жавоб бермадингиз, аммо «Хўроз» деганингизда борми, зўр жавоб бўларди-да...

Бу ҳикоятда бироз бўрттирма бўлиши мумкин. Аммо гап боланинг ақли сустлигида эмас, устознинг донишмандлигида. У табаррук зот ўғилнинг олдида отанинг мулзам бўлишини истамаган. Бу — биринчиси, иккинчиси — устоз набираси тенги болани сизлаб, отасининг олдида иззатини жойига қўяяпти.

Халқимизга хос бундай ноёб фазилатлар тўғрисида жуда кўп ёзилган. Халқ эртакларидаги очнаҳор девларни эсланг. Ўзи девмисан, дев, бунинг устига қорни оч, аммо эртак қаҳрамони қироатини келиштириб, «Ассалому алайкум, дев бува», деса, кўнгли юмшаб, «Саломинг бўлмаганда ямламай ютардим», дейди.

Ҳозир кўпгина ёшлар хорижий мамлакатлардаги нуфузли олийгоҳларда ўқиб келишмоқда. Истиқлол шарофати билан ёшларимизга шундай имкониятлар берилди. Фақат, мен фалон жойни битирганман, фалон-фалон анжуманларда қатнашганман, дея калондимоғлик қилаётган, мамлакатимиз олийгоҳларида таҳсил олган ўз тенгдошларига менсимай қараётган ёшлар ҳам йўқ эмас.

Улуғ аждодларимиз ўз ўгитларида «Ақлли, доно, фаҳм-фаросатли кишилар, айниқса, ёшлар ҳуда-беҳудага билимдонлик қилмайдилар, ёши улуғларни кўпроқ эшитадилар, биров бир нимани сўрамагунча одоб билан сукут сақлаб турадилар», деб таълим беришган. Устозларнинг яна бир таълими — бирор-бир йиғин ёки машваратда кимдир у қадар тўғри бўлмаган ёхуд баҳсли фикр айтаётган бўлса, уни тўхтатиш, танбеҳ бериш муомала маданиятига кирмайди. Бундай пайтда нотиқни тинглаб бўлиб, унга хатолари нимада эканини ётиғи билан, иззат-нафсига тегмайдиган қилиб тушунтириш яхши самара беради.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида маънавият миллий ўзликни англашда муҳим ва ҳал қилувчи куч эканлиги, ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда беқиёс аҳамият касб этиши кўрсатиб берилган. Демакки, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки таҳдид, энг аввало, у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлиги ва яхлитлигига, шу заминда яшаётган турли миллат ва элатларнинг аҳил-иноқлигига раҳна солувчи, тўғри йўлдан адаштирувчи ҳаракат, таҳдид эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Маънавий жиҳатдан қуролсизлантирилган ва бунинг оқибатида, маънавий олами заифлашган халқ эса энг оддий хавф-хатар олдида кучсиз бўлиб қолади. Иқтисодий тангликни, таъминотдаги узилишларни ва ҳатто, табиий офат оқибатларини оқилона чора-тадбирлар билан енгиш мумкин, аммо маънавий танглikни енгиш осон кечмайди. Бунинг сабаби, нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, ўзга миллат маънавиятига хуруж бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган мафтункор, жозибали воситалардан, жумладан, интернет тизимидан, радио ва телевидение имкониятларидан, кино маҳсулотларидан, бадиий адабиётдан, маданият ва санъат асарларидан ғоят унумли фойдаланадилар. Бунда асосий куч ҳали суяги қотмаган, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ёш авлод онгги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўллардан оғдиришга қаратилади. Бу хуружнинг яна бир мақсади — ўзга бир халқ, ўзга бир миллат ҳаётига, ўз қадриятларини сингдиришга уринишдир. Бундай кучлар шахсий манфаат дея дунёдаги ҳар бир миллат ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига хос ва мос йўл танлаш, ўзига мақбул тарзда умргузаронлик қилиш ҳуқуқи борлигини унутиб қўядилар.

Истиқлол йилларида бундай хуружларга кўп бор дуч келдик ва сир эмаски, бундай уринишлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Давлатимиз раҳбари огоҳ этаётганидек, келгусида ҳам бўлади. Ачинарлиси шундаки, бепарволик, атрофимизда, узоқ-яқин ҳудудларда кечаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини, «оммавий маданият» аслида нима эканлигини чуқур англамаслик натижасида халқнинг миллий илдизларини заифлаштиришга қаратилган уринишларнинг ҳаттоки иштирокчиси бўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Халқ бекорга «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?», деб айтмаган. Бугун биз эътибор бермаётган бундай «майда-чуйда» нарсалар, чунончи, ғайриахлоқий реклама роликлари, болаларга мўлжалланган жангари ўйинчоқ ва мултфилмлар замиридаги яширин ният эртага ёшлар онгини зарарли чирмовуқ янглиғ ўраб олиши мумкинлигидан хавотирга тушмаймиз.

«Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ, — деб таъкидлайди Ислом Каримов. — Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра дашҳатлидир».

Мақоламизни оддий муомала маданиятидан бошлаган эдик. Инсоннинг ички дунёсини, руҳий оламини англаш — мураккаб жараён. Аммо унинг муомала маданиятидан кўп нарсаларни, масалан оилада, маҳаллада қандай тарбия олгани, қандай қадриятларга амал қилишини билиб олса бўлади. Биз нима учун ўтмиш аждодларимизнинг номларини ўзимизга, кўпроқ ёшларга ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз? Бунинг сабаби — улуғ аждодларнинг илмий, маънавий меросидан баҳрамандлик ватанпарварлик туйғусини, миллий ифтихорни кучайтиради. Бундай туйғуга эга бўлган ёшларни тўғри йўлдан оздириш қийин.


## Ҳурматли юртдошлар!

## «Асака» банки (ОАЖ)

**Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан қутлайди ва қуйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади.**

**«ҚОМУС»**

Сақланиш муддати — 10 ой, Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (10 ойдан сўнг) берилади.
Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

**«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**
**Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**



**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:**
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган*



**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета
**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ
**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
**Телефонлар:** қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс); котибият — *233-41-89.*
**Навбатчи муҳаррир** — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
**Навбатчи** — Илёс САХАТОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

ISSN 2091-5217

**Таҳририят манзили:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*
adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1100. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3811.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 23.30
1 2 3 4 5